

*Хусанов Ғолибжон Икромович*

*“Иқтисодий жиноятларга ва жиноий даромадларни  
легаллаштиришга қарши курашиш” кафедраси*

*“Прокурорлик фаолияти” сиртқи таълим йўналиши тингловчиси*

## ТАБИЙ ГАЗНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Аннотация:** Маълумки бугунги кунда аҳоли ва ижтимоий объектларни табиий газ билан таъминлашда айрим муаммолар ҳам юзага келмоқдаки, бу муаммоларни ечиш йўлларини ҳал этмаслик келгусида глобал муаммоларни келтириб чиқариши равшан бўлиб бормоқда. Ушбу мақолада табиий газни талон-торож қилиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида суз юритилган.

**Калит сузлар:** фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, табиий ресурслар, табиий газ, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик.

Бугунги кунда табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ва талон-торож қилиш жиноятлари таҳлили, ушбу турдаги жиноятларни йилдан-йилга ошиб бораётганлигини, шу каби давлат ва таъминотчи корхоналар манфаатларига етказилаётган зарар ҳам кўпайиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Янги Ўзбекистон Республикаси халқининг ҳошиш иродаси асосида қабул қилинган Конституциямизнинг 59-моддасида барча фуқаролар белгилаб қўйилган бурчларни бажарадилар деб белгиланган.<sup>5</sup>

Жумладан, фуқаролар табиий ресурслардан, шу жумладан табиий газдан оқилона фойдаланиш, шунингдек, табиий ресурсларни давлат томонидан муҳофаза этилиши асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига асосан фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Худди шунингдек, Конституциянинг 68-моддасида “ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умумий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” деб белгиланган.<sup>6</sup>

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиши, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир деб белгиланган.

Ушбу Кодекснинг 169-моддасига асосан ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари мулк бўлиши мумкин.

Мулк дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир, унга нисбатан қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга зид деб топилади.<sup>4</sup>

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзининг мазмунига кўра бизнинг тадқиқот предметимиз саналган табиий газни талон-торож қилинишини таъқиқловчи ҳамда жавобгарликни белгиловчи умумий нормалар ҳисобланади.

Табиий газни талон-торож қилиш ҳамда шу турдаги ҳуқуқбузарликларни фoш этиш билан боғлиқ яна бир муҳим норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22-сонли қарори ҳисобланади.

Хусусан, мазкур қарорнинг 2-иловасида “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари” белгиланган бўлиб, унда истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш тартиби ва газдан фойдаланиш қоидалари, табиий газдан фойдаланиш

қоидаларини бузиш турлари ва тушунчалари, бу турдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасидаги ваколатли органлар, ҳуқуқбузарликларни

Хусусан, қарорнинг 123-бандида истеъмолчи томонидан куйида кўрсатилган қоида бузилишлари содир этилган тақдирда, ундан истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари нархи (амалдаги тарифлар бўйича) Бюро ёки газ таъминоти ташкилотининг ваколатли ходими сўнгги кўриқдан ўтказиш вақтидан бошлаб, газдан фойдаланиш ускунасининг сутканинг 24 соатида тўлиқ қувват билан ишлаши ҳисобидан келиб чиққан ҳолда ундирилиши белгиланган.

Унга кўра, истеъмолчи:

- 1) табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборига қасдан шикаст етказганда;
- 2) ўчириш қурилмалари, газдан фойдаланадиган ускуна ёки табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборида ўрнатилган тамгаларни қасдан бузганида;
- 3) табиий газ ҳисобини юритмасдан ёки ўрнатилган табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларидан фойдаланмасдан табиий газни ишлатиш, ойлик меъёрлар бўйича аҳоли маиший эҳтиёжлар учун табиий газ етказиб бериш бўйича хизмат кўрсатиш бундан мустасно;
- 4) газ қувурлари ёки ГТШларда, газ тақсимлаш тармоқларини технологик иш режимини бузишга олиб келадиган қурилмаларни ўрнатганда.

Маиший истеъмолчида ушбу юқоридаги Қоидаларда кўрсатиб ўтилган қоидабузарлик ҳолатлари, шунингдек, шахсий ҳисобрақамига (белгиланган меъёрлар бўйича истеъмол қилинган табиий газ миқдорини ҳисоблаш учун газ етказиб берувчи ташкилотнинг биллинг тизими) киритилган бошланғич маълумотлар (иситиш майдони, газдан фойдаланиш ускуналари сони ва яшовчилар сони) бузиб кўрсатилиши ҳолатлари аниқланганда, маиший истеъмолчидан Бюро ёки газ таъминоти ташкилоти ваколатли ходимининг сўнгги ташриф буюрган кунидан бошлаб, амалда аниқланган маълумотлар асосида белгиланган истеъмол меъёри бўйича ҳисобланган газ ҳажмининг ҳақи ундирилади.

Истеъмолчилар (маиший истеъмолчилардан ташқари) томонидан газлаштириш учун зарур ҳужжатлар расмийлаштирмасдан газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланган тақдирда, ушбу хатти-ҳаракатларни содир этган шахслардан рухсатсиз фойдаланилган газ ҳажмлари қиймати истеъмолчи давлат рўйхатидан расмий ўтказилган кундан бошлаб (тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) ўтган вақт мобайнида газдан фойдаланиш ускунасининг сутканинг 24 соатида тўлиқ қувват билан ишлаши (ёки стандарт газдан фойдаланиш ускунаси мавжуд эмаслигида қувурнинг ўтказиш имконияти) ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган миқдорда ундирилади деб белгиланган.

Шунингдек, тармоққа уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада максимал (тўлиқ) қувват билан 24 соат ишлаши ҳисобидан келиб чиқиб, истеъмол қилинган табиий газ ҳажмларининг қиймати куйидаги ҳолларда ундирилади:

а) ҳисобга олишни нотўғри кўрсатиш мақсадида ҳисобга олиш приборининг конфигурацияси ва созилини ўзгартириш учун табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборига модем ёки бошқа алоқа воситаларининг рухсатсиз улангани аниқланганда — рухсатсиз аралашилган кундан бошлаб бутун вақт давомида (аралашиш ҳолати ва санасини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда), лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

б) табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборининг хотирасидан истеъмолчининг айби билан назорат қилинадиган маълумотлар қисман ёки тўлиқ йўқотилишига йўл қўйилганда — маълумотлар йўқотилган вақтдан носозлик аниқланган вақтгача (аралашиш ҳолати ва санасини

тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда), вақтни (даврни) аниқлаш имкони бўлмаганда — охириги кўрик ёки Бюро ёхуд газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

в) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортикча бўлганда. Ушбу ҳолатда пломбаланмаган газ жиҳозларида фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса — Бюро ёки газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кунда амалга оширилади;

г) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда, прибордан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўл билан уланишлар (газ қувурлари, байпас линиялари ва бошқаларни яширинча монтаж қилиниши) аниқланганда — охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда;

д) ҳисобга олиш прибори бузилганда ёки мавжуд бўлмаганда (истеъмолчи айби билан), пломбалар узилганда ва визуал аниқланадиган табиий газнинг ҳақиқий истеъмоли кўрсаткичларини камайтириш мақсадидаги бошқа қоидабузарликларда (жумладан, ҳисобга олиш приборидан ташқари ёки ундан олдин газ қувурлари ва байпас линиялари уланганда) — бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда;

е) истеъмолчи томонидан газлаштириш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштирмасдан газдан фойдаланиш бўйича қўшимча ускуна ўрнатилганда — бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтда.

Бунда қоидабузарлик тўғрисидаги далолатномага мувофиқ амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб ҳажми ва суммаси мазкур Қоидаларни бузилиши билан боғлиқ бўлган қонун бузилиши натижасида келтирилган зарарни ҳисоблаш учун асос ҳисобланади.

Ушбу Қоидаларнинг юқорида қайд этилган қонун бузилиши ҳолатларида, фойдаланилган газ ҳажмлари қийматининг ундирилиши истеъмолчиларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликдан озод қилмайди.

Ушбу Қоидаларнинг белгиланган талаблари бузилиши ҳолатлари Бюронинг уч нусхада тузиладиган ҳамда газ таъминоти ташкилоти вакиллари ва истеъмолчи томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Истеъмолчи далолатномани имзолашдан бош тортганда, бу ҳақида далолатномага белги қўйилади. Бюро вакили газ таъминоти ташкилоти ваколатли шахслари билан бирга дарҳол мазкур истеъмолчиларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб кўяди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлганда, Бюронинг ваколатли ходими томонидан белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади.

Табиий газни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларни олдини олиш борасида таъминотчи корхоналар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорликни тартибга солувчи норматив ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг электр энергияси ва табиий газ етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда истеъмолчиларни электр энергияси ва табиий газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 484-сонли қарори ҳисобланади.

Мазкур қарор билан тасдиқланган низомларда табиий газни талон-торож қилиш ҳолатларини олдини олиш ҳамда фош этишда таъминотчи корхоналар билан ҳамкорлик, етказиб берилган ва истеъмолчилар томонидан фойдаланилган табиий газ ҳажми ўртасидаги тафовутларни аниқлаш ҳамда истеъмолчиларни тармоқдан узиб қўйиш тартиблари белгиланган.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сон Фармонида асосан электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва уларни

олдини олиш вазифаси Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти органларига, шунингдек, ушбу соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, баргараф этиш ва уларни олдини олиш вазифаси ички ишлар органлари зиммасига юклатилди.<sup>2</sup>

Мазкур Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ушбу соҳадаги вазифа ҳамда ваколатларини белгиловчи Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги

22-сонли ҳамда 10.07.2017 йилдаги 484-сонли қарорларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.07.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг электр энергияси ва табиий газ етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда истеъмолчиларни электр энергияси ва табиий газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 484-сонли қарори, электрон манбаа: <https://www.lex.uz/uz/docs/3263328>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сон Фармони, электрон манбаа: <https://www.lex.uz/uz/docs/5124086>
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22-сонли қарори, электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/3505789>
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, электрон манбаа: [https://www.lex.uz/uz/docs/](https://www.lex.uz/uz/docs/rasmiylashtiriш тартиби, истеъмолчилар томонидан газ тармоқларига ноқонуний уланиш ва газдан ноқонуний фойдаланиш оқибатида етказилган зарарларни ҳисоблаш асослари белгиланган)
5. Ўзбекистон Республикасининг 30.04.2023 йилдаги референдум асосида қабул қилинган Конституцияси, электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/6445145>
6. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 68-моддаси, <https://lex.uz/docs/6445145>